

O'ZBEKISTON SUG'URTA BOZORI

VOL. 2 ISS: 1 (2025)

INSURANCE MARKET OF UZBEKISTAN  СТРАХОВОЙ РЫНОК УЗБЕКИСТАНА 

INSURANCE



№	MUNDARIJA	Page
1.	YASHIL SUG'URTA ORQALI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH VA EKOLOGIYANI ASRASH <i>Yuldashev Akromjon Qurbonnazarovich, To'rayev Sherxon Mo'min o'g'li</i>	3
2.	IQLIM O'ZGARISHI TA'SIRIDAGI MOLIYAVIY YO'QOTISHLARDAN HIMOYALASHDA INDEKS SUG'URTALASHNI JORIY ETISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI <i>Yadgarov Akram Akbarovich</i>	6
3.	O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUG'URTA BOZORINING RIVOJLANISH JARAYONLARI TAHLILI <i>Nurullaev Abdulaziz Sirojiddinovich</i>	9
4.	СУГУРТА БОЗОРИ ВА МОЛИЯВИЙ КОНВЕРГЕНЦИЯ ЖАРАЁНИДА УНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ <i>Халиков Умид Рахматуллаевич</i>	13
5.	СУГУРТА КОМПАНИЯЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ <i>Маврулова Нулуфар Абдухалиловна</i>	18
6.	REGULATORY AND FINANCIAL BARRIERS TO SME DEVELOPMENT IN EMERGING MARKETS (IN CASE OF UZBEKISTAN) <i>Tojiyev Abror Rakhmonalievich, Rakhmonaliev Abbos Abror ugli</i>	21
7.	TIJORAT BANKLARIDA CHAKANA BANK MAHSULOTLARINI SOTISH AMALIYOTINING RIVOJLANGAN DAVLATLAR TAJRIBASI <i>Yunusova Shaxlo Raximdjanoyna</i>	24
8.	USING MARKETING STRATEGIES TO ENHANCE THE COMPETITIVENESS OF THE NATIONAL ECONOMY <i>Bobomurodov Kayimjon Homidovich</i>	29
9.	НЕЙРОМАРКЕТИНГ И ПОВЕДЕНИЕ ПОТРЕБИТЕЛЕЙ: ГЛУБОКОЕ ПОНИМАНИЕ МЕХАНИЗМОВ ВЫБОРА <i>Юлдашев Жамшид Абрарович</i>	32
10.	ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИДАГИ ТАФОВУТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ- СТАТИСТИК ТАХЛИЛИ <i>Илёсова Дилбар Исмоил қизи</i>	35
11.	KORPORATIV TUZILMALARDA AKSIYALAR BOZORIDAN MOLIYAVIY RESURSLAR JALB QILISHNI TAKOMILLASHTIRISH <i>Xasanov Xayrullo Nasrullayevich</i>	38
12.	ISHSIZLIKNI KAMAYTIRISH UCHUN KICHIK VA O'RTA BIZNESNI RIVOJLANTIRISH <i>Muhammadjonova Iroda Bahodir qizi, Tohirjonov Rahmatillo Farhodjon o'g'li, Hayitaliyev Jahongir Komiljon o'g'li</i>	41
13.	SOLIQ BAZASINI ANIQLASH METODOLOGIYASIGA OID UMUMIY NAZARIYA VA YONDASHUVLAR <i>Xalikchayeva Sadokat Ilxomjonovna</i>	43



СУГУРТА БОЗОРИ ВА МОЛИЯВИЙ КОНВЕРГЕНЦИЯ ЖАРАЁНИДА УНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Халиков Умид Рахматуллаевич

Тошкент давлат иқтисодийёт университети мустақил тадқиқотчиси

ARTICLE INFORMATION

Volume: 2

Issue: 1

DOI: https://doi.org/10.55439/INS/vol2_iss1/245

ABSTRACT

Ушбу мақолада жаҳон сугурта бозори ва миллий сугурта бозорларининг 1970 йиллардан кейинги бошланган трансформация жараёнлари, ушбу жараёндаги давом этган тенденциялар, миллий сугурта бозорлари билан жаҳон сугурта бозори ўртасида юзага келган ўзаро муносабатлар ва ушбу муносабатларнинг чуқурлашуви, ушбу муносабатлар натижасида юзага келган ижобий ва салбий ҳолатлар таҳлил қилинган. Мақолада трансмиллий корпорациялар рискларини сугурталаш тизими, ушбу тизимда кептив сугурта ва трансмиллий қайта сугурта компанияларининг ўрни масалалари ўрганилган. Мақолада молиявий конвергенция тушунчаси ҳар жиҳатдан ўрганилган, ушбу тушунчага дунё олимлари томонидан берилган таърифлар танқидий жиҳатдан таҳлил қилиниб, ушбу тушунчага муаллифлик таърифи шкелантирилган. Мақолада сугурта бозори тушунчаси назарий жиҳатдан таҳлил қилиниб, унинг турлари таснифланган.

KEYWORDS

сугурта, сугурта бозори, миллий сугурта бозори, жаҳон сугурта бозори, сугурта бозорини трансформациялаш, молиявий конвергенция, сугурта бозори профессионал иштирокчилари

Кириш (Введение/Introduction).

Сўнгги ўн йилликларда жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши миллий сугурта бозорларига аралаш таъсир кўрсатадиган геосиёсий кескинликнинг кучайиши туфайли хатарларнинг мисли кўрилмаган ўсиши билан тавсифланади. Бир томондан, ушбу жараён молия бозори мазкур сегментининг иқтисодиёт учун аҳамиятини оширишга ёрдам беради, бу эса ўз ўрнида сугурта хизматларига бўлган талабнинг ошишига олиб келади. Чунки сугурта микро ва макро даражадаги хавфлардан химоя қилишнинг самарали воситаси ҳисобланади. Микро даражада у компанияларга нохуш ҳодисалар юз бериши натижасида ҳосил бўладиган зарарларни қоплаш кафолатини бериш орқали уларнинг молиявий барқарорлигини сақлайди, ўз-ўзини сугурталаш фондларини шкелантириш учун ресурсларни ишлаб чиқариш жараёнидан олиб қўйиш ҳолатини бартараф этади. Макро даражада сугурта бозори табиий ва техноген офатлар хавфидан химоя қилади, уларнинг частотаси сўнгги ўн йилликларда илмий-техник тараққиётнинг ривожланиши ва салбий таъсирининг кучайиши туфайли сезиларли даражада ошди. Шунинг учун рискларни сугурта компанияларига узатиш давлатлар ва минтакалар бюджетларига тушадиган молиявий юкни сезиларли даражада камайтиради. Бошқа томондан, ортиб бораётган хатарлар сугурта бозорининг ўзи учун хавф ва таҳдидларни келтириб чиқаради ва унинг янгича хавф шароитларига мослашиш учун изланишлар олиб боришига зарурат тугдиради.

Адабиётлар таҳлили (Обзор литературы/Literature review).

Молия бозори сегментлари конвергенциясининг банклар ва сугурта компаниялари ўртасида намоён бўлиши масаласида шундай фикр бор: сугурта бозори маҳсулотларини банк тармоғи орқали сотиш XX-аср 70-йилларнинг охири - 80-йилларнинг бошларида Францияда банклар ҳаёти сугурталаш маҳсулотларини сотишни бошлаганларида киритилган "банк сугуртаси" (bankassurance) атамаси билан аталиб бошланди[1]. Молиявий хизматларнинг тўлиқ спектрини тақдим этадиган молиявий супермаркетлар Бенилюкс

мамлакатлари, Жанубий Европа, АҚШ ва Японияда кенг тарқалган[2]. Сугурталовчилар ва қайта сугурталовчилар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик даражаси банклар ўртасидаги каби юқори эмас. Битта қайта сугурталовчининг банкротлиги унинг cedentлари учун сугурта ҳодисаларидан қўрилган зарарларни бартараф этишда қийинчиликлар тугдиради, аммо баъзи ҳолларда бу унга алоқадор бўлмаган сугурталовчиларга, шунингдек бошқа қайта сугурталовчилар ва ретроцессионерларга таъсир қилмайди[3]. АҚШда 1999 йилнинг 12 ноябр кuni Gramm-Leach-Bliley молиявий модернизация тўғрисидаги қонун қабул қилинди ва бу Glass-Stigall Қонунининг бекор бўлишига сабаб бўлди. Glass-Stigall қонуни банкларга инвестиция ва сугурта фаолиятини амалга оширишни таъқиқлаган эди. Янги қонун қабул қилингандан кейин, тижорат ва инвестиция банкларига, шунингдек сугурталовчиларга молиявий ҳолдинг компанияларини яратиш, яъни бир вақтнинг ўзида молия бозорининг бир нечта тармоқларида ишлаш имконияти берилди[4].


Тадқиқотни амалга оширишда фойдаланилган усуллар (Methods/Методы).

Мазкур мақолада сугурта бозори, унинг хусусиятлари ва иштирокчилари, дунё сугурта бозори ва миллий сугурта бозорларининг ўзаро интеграциялашуви, дунё мамлакатларида молиявий конвергенция жараёниларининг бошланиши, бунда сугурта компаниялари, тижорат ва инвестиция банклари ҳамда фонд биржалари ўртасида юз берган молиявий конвергенция жараёниларининг чуқурлашуви ва унинг сугурта соҳаси ривожланишига ижобий ва салбий таъсири масалалари эмпирик ва статистик, таққослаш усуллари ёрдамида тадқиқ қилинди.

Таҳлил ва натижалар (Анализ и результаты. Analysis and results).

Сугурта бозорларини трансформациялаш босқичи XX асрнинг 70-йилларида бошланган бўлиб, ушбу давр барча мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий қарамлигининг кучайиши билан ажралиб турди, бу эса миллий молия бозорлари фаолиятига таъсир кўрсатди. Миллий

молия бозорлари ва жаҳон молия бозори тармоқлари интеграциялашувининг фаол жараёни юз бериб, улар ўртасидаги чегаралар йўқолиб борди. Жаҳон суғурта бозори билан миллий суғурта бозорлари ўртасидаги алоқалар дастлаб асосан миллий суғурта бозорлари томонидан рискларни жаҳон суғурта бозорига қайта суғуртага бериш орқали амалга ошди. Жаҳон бозоридаги асосий иштирокчилар Трансмиллий корпорациялар (ТМК) ва молия-саноат гуруҳлари бўлиб, улар доирасида кептив суғурта компаниялари ташкил этилди. Трансчегаравий молиявий оқимлар ҳаракати бўйича қонунчиликдаги чекловларнинг мавжудлиги кептив суғурталовчи томонидан суғурталовчи Бош компаниясининг барча бўлинмалари рискларини суғурталаш имконини бермайди, шунинг учун турли мамлакатлардаги ТМК филиалларининг рискларини суғурталаш маҳаллий компаниялар томонидан амалга оширилади, шундан кейингина рисклар кептив суғурталовчига ўтказилади. Ундан кейин кептив компания мазкур рискларни жаҳон қайта суғурта бозорига қайта суғурталашга беради (1-расмга қараган).



1-расм. Трансмиллий корпорациялар рискларини суғурталаш*

*Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Бу миллий ва глобал суғурта бозорларидаги турли иштирокчилар ўртасида йирик рискларни қайта тақсимлашни таъминлайди. Бирок, ушбу занжирнинг битта бўғинида инкироз юз берган ҳолатда, унинг барча иштирокчиларига таъсир қиладиган тизимли риск пайдо бўлади.

Турли мамлакатларнинг миллий молия бозорлари ва алоҳида молиявий инструментлар бозорлари ўзаро боғлиқлигининг кучайиши туфайли, бир мамлакат бозорида инкироз ҳодисалари юз берганда, домино самараси пайдо бўлади ва бунда инкироз бошқа мамлакатлар бозорларига жуда тез тарқалади. Худди шундай, миллий молия бозорининг бир сегментида (масалан, кредит бозорида) юзага келадиган инкирозлар бошқа сегментларга тарқалади[5]. 1960-йилларнинг охиригача молиявий инкирозлар кам юз берган бўлиб, уларнинг частотаси 1970-йиллардан бери сезиларли даражада ошди. ХВФ тадқиқотларига кўра, 22 та ривожланган ва 31 та ривожланаётган мамлакатлар 1975-1997 йиллар давомида 58 марта валюта ва 54 марта банк инкирозини бошидан кечирган[6]. Бошқа манбаларга кўра, 1970 йилдан 2005 йилгача бўлган даврда бутун дунё бўйлаб банк соҳасида 70 га яқин инкирозлар содир бўлган[7].

АҚШдаги 2008 йилда юз берган воқеалар инкироз ҳодисаси миллий молия бозорининг бир сегментидан бошқасига тарқалишининг энг ёрқин намунаси бўлди. Инкироз subprime ипотека бозорида бошланди, шундан сўнг у бутун ипотека қимматли қозғалар бозорини ва нихоят, банклараро кредит бозорини ва активлар билан таъминланган тижорат қимматли қозғалар бозорини қамраб олди. Натижада, АҚШ молия бозорининг барча тармоқлари инкироз механизмига тортилди. Ипотека кредити бўйича тўловга лаёқатсизликни кредит-дефолт своплари ёрдамида суғурталашни амалга ошириб келадиган суғурта компанияларининг рейтинглари бундай ҳолатда сезиларли даражада пасайди ва тез орада ушбу компанияларнинг аксарияти банкротликка учради. Капиталлашув бўйича дунёдаги энг йирик суғурта компанияси АIGнинг соф йўқотишлари 2008 йилда 99,29 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2007 йилда компания 6,2 миллиард доллар соф фойда қўрган эди[8]. Тизимли муҳим компания мақомига эга бўлган АIGнинг банкротлиги глобал миқёсда занжирли реакцияга олиб келиши мумкин эди, шунинг учун суғурталовчига АҚШ Федерал заҳира

тизими томонидан 85 миллиард долларлик фавқулодда кредит линияси ажратилди[9]. Кейинчалик Америка Молия вазирлиги АIGнинг 40 млрд. долларлик имтиёзли акцияларини сотиб олди[10]. Бу ҳам ушбу компаниянинг оёққа уриб олишига ёрдам берди.

COVID-19 пандемияси натижасида келиб чиққан 2020 йилдаги молиявий инкироз протекционизм, глобал таъминот занжирларининг узилиши, аҳолининг глобал ҳаракатчанлигини камайтириш ва миллатчиликнинг ўсиши билан тавсифланувчи янги даврнинг бошланишини белгилаб берди. Масофадан туриб хизмат кўрсатишга имкон берадиган янги технологияларнинг пайдо бўлиши ҳисобига реал иқтисодиётни деглобализация қилиш ва хизмат кўрсатиш соҳасини интернет тизими орқали фаол ривожлантириш юз берди.

Жаҳон молия тизимининг ҳозирги ҳолати миллий иқтисодиётдаги инфляция босим ва фойз ставкаларининг кўтарилиши шароитида бекарорликнинг янада ошиши билан тавсифланади. Бунинг жараёндар натижасида Америка Қўшма Штатларидаги банк инкирози юзага келиб, бу ўз ўрнида Европа банк секторида кенг қўламли муаммоларни келтириб чиқарди (UBS ва Credit Suisse банкларининг молиявий қийинчиликлар туфайли бирлашиши, минтақадаги бошқа етакчи банкларнинг йўқотишлари - Deutsche Bankдан то BNP Paribas ва HSBCгача) ва йирик Европа мамлакатлари фонд индексларининг пасайиши юз берди.

Шундай қилиб, миллий суғурта бозорлари глобал молиявий бекарорлик шароитида ишлайди. Ушбу молиявий бекарорликни қуйидаги ҳолатлар билан тавсифлаш мумкин: жаҳон молиявий тизимининг ҳолатини молиявий инкирозлар юз бериш частотасининг ошиши ва ўзаро боғлиқлиги туфайли унинг миллий молия бозорларига ҳамда алоҳида молиявий бозор секторларига тезлик билан тарқалишида кўриш мумкин. Бунинг оқибати сифатида, бизнинг фикримизча, глобал қаробат муҳитида унинг иштирокчиларининг рақобатбардошлигини таъминлаш учун суғурта бозорини трансформация қилиш зарурати юзага келди.

Замонавий шароитда, компанияларга молия бозорида ўз ўрнини эгаллашга имкон берадиган механизмлардан бири бу молиявий конвергенциядир. Ушбу атама 2000-йилларнинг бошларида Европа Иттифоқининг молиявий бозорларини ўрганган голландиялик олимлар Л. ван ден Берге ва К. Фервайер томонидан талқин қилинган. Бирок, улар томонидан талқин этилган ушбу талқин, бизнинг фикримизча, унинг моҳиятини тўлиқ очиб бермади. 1-жадвалда турли олимлар томонидан тузилган молиявий конвергенция таърифларининг баъзи вариантлари кўрсатилган.

1-жадвал

"Молиявий конвергенция" тушунчасининг талқинлари[11]

Муаллиф	Тавсиф	Мавба
Л. ван ден Берге, К. Фервайер	Суғурта компаниялари ва банкларнинг ўзаро бир-бирига кириб бориши.	Писаренко Ж.В. Молиявий конвергенция молиявий хизматлар дунё бозорининг нафақа ва суғурта секторлари модификациясининг махсус механизми сифатида: иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - 2017. - 41 б.
Г.В.Чернова, Ж.В.Писаренко, Н.П.Кузнецова	Молия бозорининг рақобат механизми, унинг қўлланлиши ўзаро рақобатбардошлигини оширишга қаратилган бўлиб, бу молия бозорининг бир сегменти субъектлари томонидан молия бозорининг бошқа тармоқлари субъектлари фаолиятининг имкониятлари, ўзига ҳос хусусиятлари ва афзалликларидан фойдаланиш ҳисобида эришилади.	Чернова Г.В., Писаренко Ж.В., Кузнецова Н.П. Молиявий конвергенциянинг омиллари, шартлари ва параметрлари / Г.В.Чернова, Ж.В.Писаренко, Н.П.Кузнецова // Страховое дело. - 2017. - № 3 (288). - 4 б.
Ж.В.Писаренко, Г.В.Чернова	Ўзаро боғлиқлиги ва маълум ўхшашликлар туфайли, молия бозори турли секторларининг ўзаро рақобатчи иштирокчи субъектлари фаолиятининг ўзаро бир-бирига кириб бориши.	Писаренко Ж.В., Чернова Г.В. Молиявий конвергенция молия бозори субъектларининг рақобатбардошлигини ошириш механизми сифатида / Ж.В.Писаренко, Г.В.Чернова // Финансы и кредит. - 2015. - № 46 (10-23). - 11 б.

Бизнинг фикримизча, қуйидаги таъриф молиявий конвергенциянинг моҳиятини тўлиқ акс эттиради: бу жараён ўз рақобатбардошлигини оширишга қаратилган молия бозорининг турли соҳаларидаги рақобатдош иштирокчиларнинг ўзаро боғлиқлиги ва маълум бир умумийлиги асосида биргаликда фаолият олиб боришининг синергетик самараси туфайли молия бозорининг бир сектори субъектларининг бошқа тармоқлар субъектлари билан

биргаликдаги фаолияти ёки молия бозорининг бир сектори субъектлари томонидан бошқа соҳа субъектларнинг фаолият соҳаларини ўзлаштириш ҳисобига ривожланиш жараёнидир.

Молиявий конвергенциянинг ривожланишига молия секторидagi қонунчиликни либераллаштириш ёрдам берди. Буюк Британия ва Францияда банк ва сугурта капиталининг бирлашиши 1985 йилда, Британиянинг Standard Life сугурталовчиси Шотландия банки улушини қўлга киритгандан сўнг бошланди ва француз сугурта компанияси GAN Credit Industriel et Commercial (CIC)[12] банкидаги акциялар блокнинг эгаси бўлди. Шунга ўхшаш жараёнлар Германияда 1986 йилда, Италияда эса 1990 йилда Amato Қонуни қабул қилиниши билан бошланди, бу эса банкларга сугурта компанияларига сармоя киритишга имкон берди[13]. АҚШда 1999 йилнинг 12 ноябр кuni gramm–Leach–Bliley молиявий модернизация тўғрисидаги қонун қабул қилинди ва бу Glass-Stigall Қонунининг бекор бўлишига сабаб бўлди. Ушбу қонун банкларга инвестиция ва сугурта фаолиятини амалга оширишни тақиқлади. Мазкур қонун қабул қилингандан кейин, тижорат ва инвестиция банкларига, шунингдек сугурталовчиларга молиявий ҳолдинг компанияларини яратиш, яъни бир вақтнинг ўзида молия бозорининг бир нечта тармоқларида ишлаш имконияти берилди[14].

Молиявий конвергенциянинг натижаси молия бозорининг турли соҳаларида, шу жумладан сугуртада сотиладиган мураккаб, кўп атрибутли, интеграциялашган молиявий маҳсулотларнинг пайдо бўлиши бўлди. Турли соҳалардаги маҳсулотларни дурағайлаштиришнинг энг кенг тарқалган вариантлари банк сугуртаси маҳсулотлари, сугурта ва фонд секторларининг гибрид маҳсулотлари, сугурта, фонд ва пенсия секторлари, шунингдек сугурта, банк ва пенсия секторларидир.

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча, молиявий конвергенция жараёнида сугурта бозорининг функционал ўзгариши юз берди, бу бозорда сотиладиган маҳсулотлар турларини кенгайтириш ва нафақат сугурта ҳодисалари юз берганда сугуртанинг ҳимоя қилиш функциясини, балки молиявий бозор бошқа тармоқларининг функцияларини ҳам бажаришдан иборат. Ушбу ўзгаришларни ва сугурта бозорлари фаолияти замонавий шароитларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, "сугурта бозори" тушунчасининг талқинини аниқлаштириш мақсадга мувофиқдир.

2-жадвал

Олимлар томонидан "Сугурта бозори" тушунчасига берилган талқинлар

Муаллиф	Талқин	Олинган манба
К.Макконнелл, С.Брю	Сугурта бозори – сугурта хизматларига нисбатан сугурталанувчилар ва сугурталовчиларнинг манфаатларини боғлайдиган иқтисодий механизм сифатида сотувчилар – сугурта компаниялари, харидорлар – жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек воситачилар – брокерлар ва агентлар юз берадиган муносабатлар ҳоли	Воробей Т.И., Туманова Е.А. Алгоритм оценки устойчивости функционирования страхового рынка Российской Федерации на основе теории нечетких множеств. / Страховое дело. - 2017. - №4. - 4-6.
Л.Г.Скрябин	Нул муносабатлари соҳаси бўлиб, бунда олди-сотида объекти бўлиб махсус товар – сугурта хизмати ҳисобланади	Скрябин Л.Г. Страхование. М. ЮНИТИ, 2001. С. 20
Р.Т.Юлдашев	Аҳолининг сугурта ҳимоясига бўлган еҳтиёжларини қондириш жараёнида сугурта хизматларини сотиб олиш ва сотишдан келиб чиқадиган иқтисодий муносабатлар тизими	Юлдашев Р.Т. Страховой бизнес. Словарь-справочник. М.: Анкид. 2005. 770 б.
В.В.Шахов	Сугурта маҳсулотини сотиб олиш ва сотиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатларнинг жами	Шахов В.В. Страхование: учеб. для вузов. М.: ЮНИТИ, 2003. 50 б.
М.А.Зайцева, Л.Н.Литвинова	Иқтисодий пулли муносабатлар соҳаси бўлиб, бунда сугурта ва қайта сугурта ташкилотларининг мураккаб интеграциялашган тизими амал қилади	Садькова Л.М. Страховой рынок России: состояние и перспективы развития: монография. Оренбург: ОГУ, 2016. 10 б.
Қ.М.Қўлдошев	Сугурта бозори пулли муносабатларнинг алоҳида жараёни бўлиб, унда олди-сотида объекти сифатида сугурта хизматлари иштирок этади ва ушбу хизматларга нисбатан талаб ва тақлиф ҳосил бўлади	Қ.М.Қўлдошев "Сугурта бозори". Монография. Тошкент, Иқтисодиёт, 2010 й.
Л.Ш.Тошназарова	Сугурта бозори пулли муносабатларнинг алоҳида жараёни бўлиб, унда олди-сотида объекти сифатида сугурта хизматлари иштирок этади ва ушбу хизматларга нисбатан талаб ва тақлиф ҳосил бўлади	Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент, ТДНУ 2025 й.


Ушбу Турли олимлар томонидан тузилган ушбу концепциянинг таърифлари 1.2-жадвалда келтирилган. Таърифларнинг таҳлили шуни хулоса қилишга имкон берадики, аксарият олимлар "сугурта бозори" тушунчасини талқин қилишда иқтисодий ёндашувга риоя қилишда, унга кўра сугурта бозори сугурта хизматларини сотиб олиш ва сотиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар соҳаси ҳисобланади (сугурта маҳсулоти, сугурта ҳимояси). Баъзи олимлар ташкилий ва техник ёндашувни қўллаб-қувватлайдилар, унга кўра сугурта бозори сугурта хизматларига нисбатан сугурталанувчилар ва сугурталовчиларнинг манфаатларини боғлайдиган механизм ёки

механизмлар тўпламидир. М. А. Зайцева ва Л. Н. Литвинова томонидан ишлаб чиқилган сугурта бозорининг таърифи алоҳида қизиқиш уйғотади, чунки у иқтисодий ёндашувни (сугурта бозори иқтисодий муносабатлар соҳаси) ва институционал ёндашувни (сугурта бозори сугурта ва қайта сугурта ташкилотларининг мураккаб интеграциялашган тизими) бирлаштиради. Бироқ, бизнинг фикримизча, ушбу талқин институционал ёндашув доирасида тўлиқ эмас, чунки у сугурта бозорининг бошқа иштирокчилари – сугурталанувчилар ва бозор инфратузилмаси субъектлари (сугурта агентлари, брокерлар ва бошқалар) мавжудлигини ҳисобга олмайди.). Шунга ҳам таъкидлаш керакки, тақдим этилган таърифларнинг ҳеч бири концепцияни талқин қилишда "сугурта бозори" тушунчаси билан ушбу учта ёндашувни бирлаштирмайди.

Бундан ташқари, кўриб чиқилган сугурта бозорининг барча таърифларида келтирилган – "сугурта ҳимояси", "сугурта хизмати", "сугурта маҳсулоти" тушунчаларининг моҳиятини аниқлаштириш мақсадга мувофиқдир. Тақдим этилган талқинларнинг таҳлили юқоридаги тушунчалар орасида "сугурта маҳсулоти" тушунчаси энг кенг деган хулосага келишимизга имкон беради. Бизнинг фикримизча, А. Н. Зубец томонидан тузилган сугурта маҳсулотининг таърифини ҳақиқатни акс эттирувчи деб ҳисоблаш мумкин. Бунинг сабаби шундаки, ривожланган сугурта бозорларида сугурта шартномасини тузиш баъзи ҳолларда нафақат сугурта ҳодисаси юз берганда сугурта тўловини (яъни асосий сугурта хизматларини кўрсатишни), балки бир қатор бошқа (ёрдамчи) хизматларни тақдим этишни ҳам ўз ичига олади, масалан консалтинг сифатида, геодезия, экспертиза ва зарар миқдорини аниқлаш. "Сугурта маҳсулоти" атамаси бутун дунё бўйлаб сугурта компаниялари фаолиятида энг кенг тарқалгани бежиз эмас[13]) ва уларнинг расмий веб-сайтларида тақдим этилаётган хизматлар ҳақида маълумот бериш учун кенг қўлланилади.

Бироқ, бизнинг фикримизча, ушбу бозорда сотиб олиш ва сотиш объекти айнан сугурта маҳсулоти эканлигини таъкидлайдиган "сугурта бозори" тушунчасининг талқини глобал молиявий беқарорлик шароитида функционал ўзгаришларга учраган замонавий миллий сугурта бозорларининг моҳиятини тўлиқ акс эттирмайди. Молия бозорининг бир нечта тармоқлари маҳсулотларининг хусусиятларини бирлаштирган сугурта таркибий қисмига эга бўлган мураккаб, гибрид молиявий маҳсулотлар сугурта бозорларида тобора кенг тарқалмоқда. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, қуйидаги таъриф замонавий сугурта бозорининг моҳиятини тўлиқ акс эттиради:

сугурта бозори сугурта маҳсулотларини сотиб олиш ва сотиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар соҳаси бўлган молия бозорининг бир қисмидир, шунингдек гибрид, тармоқлараро молиявий маҳсулотлар, мажбурий сугурта бозори унинг таркибий қисмлари бўлиб, молия бозорининг турли соҳаларидаги ўзаро боғлиқ иштирокчиларнинг мураккаб интеграциялашган тизими доирасидаги сугурта ҳимоясини таъминловчи соҳа ҳисобланади. Сугурта бозорини ҳудудий ва тармоқ жиҳатидан қуйидагича тасвирлаш мумкин (2-расмга қараңг).



2-расм. Сугурта бозори турлари*

*Муаллиф ишланмаси

Ҳудудий жиҳатдан сугурта бозорининг тузилишини қуйидагиларга ажратиш мумкин:

- миллий сугурта бозорлари - алоҳида мамлакатларнинг сугурта бозорлари;

- минтақавий сугурта бозорлари, уларнинг ҳар бири иқтисодий интеграция натижасида шаклланган алоқалар билан бирлаштирилган бир минтақадаги мамлакатларнинг сугурта бозорларини ўз ичига олади;

- барча миллий ва минтақавий сугурта бозорларини бир бутунга бирлаштирган тизим бўлган глобал (халқаро) сугурта бозори.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, XX-асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб миллий сугурта бозорларининг ўзаро боғлиқлиги ошди ва улар бир-бири билан ҳамбарчас боғлиқ бўлиб қолди. Хавфларнинг юқори даражада ўсиши ва йирик тармоқларга ажратилган тузилмаларга эга ТМКларнинг шаклланиши натижасида сугурта компаниялари жаҳон сугурта бозорида рискларни қайта сугурталашни бошладилар. Шу билан бирга, баъзи ҳолатларда турли мамлакатлардан қўллаб қайта сугурталовчилар битта сугурта компаниясининг riskини қайта сугурталашда қатнашиш ҳолатлари ҳам юз бериб туради. Шундай қилиб, бизнинг фикримизча, ўзаро боғлиқ миллий сугурта бозорлари глобал сугурта бозори бўлган ягона яхлит тизимни ташкил этади.

Институционал жиҳатдан ҳозирги замон сугурта бозори мураккаб ва кўп таркибли бозор ҳисобланади. Сугурта хизматлари истеъмолчиларининг талабларига жавоб берадиган, стандарт даражадаги сугурта бозори қуйидаги профессионал иштирокчилар таркибидан иборат бўлишини талаб этади (3-расмга қаранг).



3-расм. Сугурта бозорининг профессионал иштирокчилари*

*Муаллиф ишланмаси

Миллий сугурта бозорларининг институционал тузилиши уларни трансформациялаш босқичида сезиларли ўзгаришларга дуч келди, бу юқорида айтиб ўтилганидек, XX асрнинг 70-йилларида бошланган. Рискларнинг оптиши туфайли сугурта компаниялари барча аъзолар ўртасида рискларни тақсимлайдиган синдикатлар, сугурта ва қайта сугурталаш ҳавзаларига бирлаша бошладилар, бу эса бозор имкониятларини сезиларли даражада оширди ва ҳар қандай ҳажмдаги хавфларни чекловларсиз сугурта қилишга имкон берди. Йирик халқаро корпорациялар, хусусан, 30 000 га яқин хусусий сугурта компанияларини ўз ичига олган энг йирик Lloyd корпорацияси ташкил этилди). Сугурта компанияларини йириклаштириш ва бирлаштириш жараёнлари кучайди ва трансмиллий корпорациялар нафақат реал секторда, балки молия секторида ҳам асосий иштирокчиларга айланди. ТМКнинг кенгайиши 1990-йилларда энг фаол босқичига етди. Бу давр жаҳон сугурта бозорида рақобатнинг кучайиши билан тавсифланади.

References:

1. Аверченко О.Д. Развитие механизма интеграционного взаимодействия банков и страховых компаний в Российской Федерации: автореферат диссертации на соискание ученой степени канд. экон. наук / О.Д. Аверченко. – 2017. – 26 б.
2. Бабурин Н.А., Мазаева М.В. Страховой рынок России. Ўқув қўлланма / Н.А. Бабурин, М.В. Мазаева. Тюмень: Тюмен давлат университети нашриёти, 2014. – 99 б.
3. Insurance and Financial Stability [Electronic resource] // International Association of Insurance Supervisors (IAIS). – Mode of access: <https://www.iaisweb.org/page/news/other-papers-and-reports/file/34041/insurance-and-financial-stability>.
4. Писаренко Ж.В. Молиевий конвергенция глобал молиевий хизматлар бозорининг пенсия ва сугурта соҳаларини ўзгартиришнинг махсус механизми сифатида: иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - 2017. – 64 б.
5. Dryuk T. Insurance market transformation in the context of financial globalization / T.V. Dryuk // XXXIII International Plekhanov Readings. – M.: Plekhanov Russian University of Economics. – 2020. – P. 16.
6. Сеньков М.И. Финансовая глобализация как причина роста вероятности возникновения финансовых кризисов // Известия Иркутской государственной экономической академии (Байкальский государственный университет экономики и права). – 2012. – №1. – С. 8.
7. <https://www.rbc.ru/economics/02/03/2009/5703d2519a79473dc814cb52>.
8. Дрюк Т.В. “Развитие национальных страховых рынков в условиях глобальной финансовой нестабильности”. диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва 2024.

2 ва 3 расмлар бўйича Ўзбекистон сугурта бозорини таққослайдиган бўлсак, ушбу бозор ҳудудий жиҳатдан миллий сугурта бозори турига кириб, унда келтирилган барча иштирокчилар мавжуд, аммо уларнинг кўпчилиги жуда кам сонда мавжуд (Ўзаро сугурта жамиятлари, аджастер ва сюрвейерлар, сугурта брокерлари. Махсус қайта сугурталовчи мавжуд эмас). Тармоқ жиҳатидан уч йўналишда ҳам (шахсий, мулкӣ ва жавобгарлик сугурта тармоқлари) сугурта хизматлари кўрсатилмоқда. Аммо ушбу тармоқларда кўрсатилаётган сугурта турлари сон жиҳатидан ва ҳажм жиҳатидан дунёнинг миллий сугурта бозорлари билан таққослаганда, аксарият миллий сугурта бозорларига нисбатан сон ва ҳажм жиҳатидан кичик.

Молия бозори иштирокчисини молиевий конгломерат сифатида тан олиш мезонларини аниқлаштириш керак. Улар турли мамлакатлар қонунларида турлича талқин қилинган. Европа Иттифоқининг 2011/89/ЕС Директивасига қўра, молиевий конгломерат учта мезонга жавоб берадиган компаниялар гуруҳидир:

- унинг таркибида банк ёки қимматли қоғозлар операциялари билан шуғулланадиган битта компания ва сугурта соҳасига тегишли битта компания бўлиши мумкин;

- гуруҳни кўрсатилган компаниялардан бири бошқариши керак. Шу билан бирга, молия сектори компаниялари гуруҳ умумий балансининг камида 40 фоизини ташкил қилиши керак;

- ҳар бир молия сектори компаниясининг гуруҳ молиевий компанияларининг консолидацияланган балансидаги улуши 10% дан ортиқ бўлиши ёки энг кичик молиевий компаниянинг баланси 6 миллиард еврадан ошиши керак[15].

АҚШда интеграциялашган компаниялар гуруҳи молиевий конгломерат сифатида тан олинган бўлиб, унинг таркибида банк секторидаги компания бўлиши керак. "Молиевий конгломерат" атамаси ўрнига АҚШ қонунчилигида "молиевий холдинг" атамаси қўлланилади. Молиевий холдинг компаниясининг мақоми бир гуруҳ компанияларга молия бозорининг турли тармоқлари билан боғлиқ молиевий хизматларни тақдим этиш ҳуқуқини беради. Бошқача қилиб айтганда, икки ёки ундан ортиқ банклар, инвестиция ёки сугурта компаниялари гуруҳи молиевий холдинг компанияси сифатида тан олинмайди; молия бозорининг турли соҳаларидаги компаниялар холдинг компанияси тузилмасида бўлиши шарт[16].

Хулоса (Заключение/ Conclusion).

Шундай қилиб, ривожланган мамлакатларда молиевий конгломератлар вертикал интеграциялашган тузилмалар сифатида ўзида банклар, сугурта ва инвестиция компанияларини бирлаштирган молиевий холдинглар сифатида амал қилаётган бўлса, ривожланаётган мамлакатлар сифатида Россияда ушбу босқичда банк гуруҳлари ва холдинглар кенг тарқалган бўлиб, уларнинг таркибида кептив сугурта компаниялари ташкил этилган. «Ўзбекистонда тижорат банклари муассислигида бир нечта сугурта компаниялари ташкил этилган бўлиб, шу асосда банклар ўз фаолияти билан боғлиқ рискларни ўзлари муассислигида ташкил этилган сугурта компаниялари орқали сугурталаш билан бир вақтнинг ўзида ишончли сугурта хизматларига ва шу йўналишда амалга оширилган воситачилик хизматлари орқали қўшимча даромадга эга бўлмоқда»[17].

9. Саввина Н.Е. Новый подход к понятию «страховой продукт» / Н.Е. Саввина // Финансы и кредит. – 2015. - № 18(642). – 57 б.
10. Ахвледиани Ю.Т. Страхование: дарслик / Ю.Т. Ахвледиани, Н.Д. Эриашвили, Н.Н. Никулина ва бошқалар; ред. Ю.Т. Ахвледиани, В.В. Шахов. – 5-чи нашр, қайта ишланган ва тўлдириган. – М: Юнити, 2015. - 471 б.
11. Directive 2009/138/EC of the European Parliament and of the Council of 25 November 2009 on the taking-up and pursuit of the business of Insurance and Reinsurance (Solvency II) (recast) // Official Journal of the European Union (OJEU), - 17.12.2009. - L 335. - P. 1–155.
12. Gramm-Leach-Bliley Act (1999). Public Law 106-102 106th Congress. [Electronic resource]. – Mode of access: <https://www.gpo.gov/fdsys/pkg/PLAW-106publ102/pdf/PLAW-106publ102.pdf>.
13. Замоновий шароитда йирик трансмиллий сугурта корпорациялари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари: АҚШ, ЕИ ва Япония мисолида [Электрон манба] // Сугурта бугун – Кириш йўли: <https://www.insur-info.ru/press/97240/>.
14. BERKSHIRE HATHAWAY INC. [Electronic resource] // Berkshire Hathaway. – Mode of access: <https://www.berkshirehathaway.com/subs/sublinks.html>.
15. GLOBAL 2000 The World's Largest Public Companies [Electronic resource] // Forbes. – Mode of access: <https://www.forbes.com/global2000/#15e669de335d>.
16. Ping An Group Profile [Electronic resource] // Ping An Insurance Group. – Mode of access: <http://www.pingan.cn/about/overview.shtml>.
17. Қўлдошев, Қ. (2023). ЎЗБЕКИСТОН СУГУРТА БОЗОРИ: РИВОЖЛАНИШ ЙўНАЛИШЛАРИ ВА МУАММОЛАР. Страховой рынок Узбекистана, 1(4), 1–4. извлечено от <https://insurance.tsue.uz/index.php/journal/article/view/55>